

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

КАСЫМОВА ГУЛЬМИРА ГАФУРОВНА

**ГЕПАТОКАНЦЕРОГЕНЕЗ ВА ГЕМОБЛАСТОЗЛАРНИ ҚИЁСИЙ
ЎРГАНИШ: ПАТОГЕНЕЗ ВА РЕКОМБИНАНТ ИНТЕРЛЕЙКИН-2
БИЛАН ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ДАВОЛАШ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral(DSc) Dissertation Abstract

Касимова Гульмира Гафуровна

Гепатоканцерогенез ва гемобластозларни қиёсий

ўрганиш: патогенез ва рекомбинант интерлейкин-2

билан экспериментал даволаш 3

Касимова Гульмира Гафуровна

Сравнительное изучение гепатоканцерогенеза и

гемобластозов: патогенез и экспериментальная

терапия рекомбинантным интерлейкином - 2 25

Kasimova Gulmira Gafurovna

Comparative study of hepatocarcinogenesis and

hemoblastosis: pathogenesis and experimental therapy

recombinant interleukin-2..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

КАСЫМОВА ГУЛЬМИРА ГАФУРОВНА

**ГЕПАТОКАНЦЕРОГЕНЕЗ ВА ГЕМОБЛАСТОЗЛАРНИ ҚИЁСИЙ
ЎРГАНИШ: ПАТОГЕНЕЗ ВА РЕКОМБИНАНТ ИНТЕРЛЕЙКИН-2
БИЛАН ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ДАВОЛАШ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib9 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифада www.tma.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Каримов Хамид Якубович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Сабирова Рихси Абдукадировна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Зокиров Ёркин Узуевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Пулатов Дониёр Анварович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: ФДАОТТМ И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети (Сеченов Университети) (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___»_____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mai.ru). Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Докторлик (DSc) диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871)- 150-78-14.

Диссертация автореферати 2017 йил «___»_____ да тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г. И. Шайхова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Н. Ж. Эрматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Б.У. Ирискулов
Илмий даражасини берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўсма касалликларининг ривожланишига дунё аҳолиси орасида тамаки маҳсулотларини сурункали истеъмол қилиш, тамаки чанги, турли кимёвий овқат қўшимчалари, консервантлар, стресс, рентген нурлари, пестицидлар, ион нурланишлар ҳамда ташқи муҳит салбий омилларининг таъсири бўлиб, унинг улуши 85%ни ташкил қилади. «Жаҳонда йилига 6 млндан ортиқ киши ўсмалардан, 1 млндан ортиғи эса гепатоцеллюляр ўсмалардан вафот этади, лейкозлар эса ҳар 100.000 аҳоли 13,2 ходисани ташкил қилиб, уларнинг 60% ишлаш қобилиятини йўқотган ва ногиронларга тўғри келади»¹.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат тизими тубдан ўзгартирилди, шу ўринда аҳолининг орасида ўсма касалликларини тарқалишини камайтириш, касалликни ташхислаш, даволашнинг замонавий тиббий воситалари ва самарали усулларни амалиётга татбиқ этилмоқда. Бунинг оқибатида ўсмаларни кимёвий дори воситалари билан даволашда уларнинг зарарли оқибатларни камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш, касалликни эрта аниқлаш ва самарали даволаш натижасида «ўсма касалликлари билан хасталанган беморларнинг умр кўриш давомийлиги 3-5 йилга узайтирилди»².

Жаҳонда хавфли ўсма касалликлари билан хасталанган беморларни ташхислаш ва самарали даволаш, унинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, ўсма ҳужайраларининг жавоб механизмлари пролиферация, апоптоз, функционал фаоллигининг ўзгаришига ташқи муҳит омилларининг таъсир механизмини аниқлаш; хавфли ўсмалар молекуляр механизмларининг умумий ва специфик хусусиятларини мукамал ўрганиш асосларини яратиш; ўсмалар ривожланиш даражасини баҳолашда пролефератив ва антиоксидант тизим ферментлари фаоллигини объектив баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш; ўсмалар оқибатида ўлим кўрсаткичи белгиловчи омилларни асослаш; ўсмаларни консерватив даволаш усулларини такомиллаштириш; ўсмаларни даволашда кенг қамровли иммункорректорларни комплекс даволаш тизимига киритиш; даволаш тактикасини оптималлаштириш, онкологик касалларни кимёвий дори воситалари билан даволаш тизими асоратларини камайтириш ва самарадорлигини ошириш жараёнини татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли

¹ЖССТ Европа региониди асосий саломатлик кўрсаткичлари. ЖССТ, 2014 йил.

²Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хисоботлари

бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Ўсмаларнинг ривожланишида молекуляр механизмини ўрганиш ва консерватив даволаш, касалликни олдини олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан University of Oklahoma, Boston University, National Cancer Institute (АҚШ); Universitat Autònoma de Barcelona (Испания), Osaka University; Hokkaido University (Япония); Department of Immunology and Chronic Disease Research Center and Institute for Medical Science, Occupational Safety and Health Research Institute (Корея), Korea Occupational Safety and Health agency, Division of Hematology-Oncology, EwhaWomans University (Корея); Россия Онкология илмий маркази, гематология институти, (Россия) ва Гематология ва қон қуйиш институти ва Республика онкология илмий-тадқиқот марказида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ўсма касалликларнинг эрта ташхислаш ва олдини олиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: бензол ва бошқа органик кислоталар таъсирида лейкомия ва миеломалар ривожланиши исботланган (Occupational Safety and Health Research Institute (Корея); гемабластозлар ривожланишида Y хромосомларнинг молекуляр бузилишининг аҳамияти исботланган (University of Oklahoma Health Sciences Center (АҚШ); ўсмаларни даволашда биопрепаратларнинг таъсир механизми асосланган (Osaka University (Япония); миелопролеферацияни даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг гепато, сплено ва нефротоксик таъсири аниқланган (Universitat Autònoma de Barcelona (Испания); Division of Hematology-Oncology, Ewha Womans University, (Корея); ўсма касалликлари тарқалиш эпидемиологияси ҳамда ташхислашнинг замонавий алгоритмлари ишлаб чиқилган (University of Oklahoma Health Sciences Center, Boston University, National Cancer Institute (АҚШ); ўсмаларни даволашда трансретиноид кислоталарининг самарадорлиги исботланган (Gifu University; Kinki University (Япония); ўсма касалликларни ривожланишининг молекуляр-генетик механизмлари ҳамда касалликни даволашда дори воситаларини ишлаб чиқариш ва қўллаш механизми яратилган (Онкология илмий маркази, Россия); гепатоканцерогенез ва гемобластозларни интерлейкин-2 билан

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.ou.edu/>, <http://www.bu.edu/>, <https://www.cancer.gov/>, <http://www.uab.cat/web/universitat-autonoma-de-barcelona.html>, <http://www.osaka-u.ac.jp/en>, <https://www.oia.hokudai.ac.jp/>, <http://www.aseic.org/expert>, <https://www.ewha.ac.kr/mbs-/ewhaen/>, <http://www.bloodscience.ru/>, http://qonber.uz/pages/pages_uz/news.html, <http://www.ouhsc.edu/>, <https://www.bumc.bu.edu/busm/cancer-center/>, <http://www.gifu-u.ac.jp/en/>, <http://www.kindai.ac.jp/english/> ва бошқа манбалари асосида амалга оширилди.

экспериментал даволаш механизми модели ишлаб чиқилган (Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон).

Дунёда ўсма касалликларининг тарқалишини олдини олиши ва уларнинг молекуляр механизмларни асослаш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, кимёвий бирикмаларнинг канцерогенлик хавфини асослаш; ўсмалар ўсишининг молекуляр генетикаси, ўсмаларнинг микромуҳитини ўзгариш механизмини ишлаб чиқиш; иммун механизмнинг ўрни; неоплазия жараёнида азот оксиди тизими; резистент ўсма хужайраларининг ўсишида ва кимётерапиянинг захарлиги ҳамда гепатоцеллюляр саратон ва онкогематологик касаллик билан оғриган беморларнинг ташхислаш ҳамда даволаш усулларини янада такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда узоқ (Dougan M., Dranoff G., 2009; Cai L.L. et al., 2012; Pere H. et al., 2012) ва яқин хорижий давлатларда (Харченко Е. П., 2011; Чечина О. Е. ва бошқ., 2011; Савина Н. П., 2013) ўтказилган тадқиқотларда айтилишча, ген мутациясида ўсма хужайрасида апоптозанинг бузилиш механизмларидан бири бу жараённи назорат қилади; ўсма некроз омили ген оиласидаги қисмларининг ўзгариши (ФНО- α); капсаз; цитотоксик Т-лимфоцит ва табиий киллер (ТК). Буни олдини олиш учун ўсма хужайралари жараёнини фаоллаштириш, ундаги апоптозни ўраб олишни тўхтатиш, шунингдек, улардаги ўсиш жараёнини фаоллаштириш зарур (Рязанцева Н. В. и др., 2012; Леенман Е. Е., Мухина М. С., 2013; Fredly H., Ersver E., Gjertsen V. T., Bruserud O., 2011). Бу жараёнларда азот оксиди муҳим ўрин тутди. Х. Маеда (1998) фикрича, кўплаб қаттиқ ўсма тўқималарида индуцибел формаси NO-синтез (iNOS).

Ўзбекистонда ушбу йўналишда бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Х.Я. Каримов канцерогенез механизми, Д.А. Пўлатов гепатоцеллюляр саратон; Ф.Х. Иноятова NO-эргик тизими ва липид оксидланишини бузилиши, М.Т.Мухаммедова–гепатоканцерогенезда азот оксидининг ўрни бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Онкологияда кимётерапия жараёни беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Бироқ ҳатто энг сўнгги кимётерапия дори воситалари тананинг тез кўпаядиган тўқималари устидан токсик таъсири бор. Бу омиллар цитотоксик дориларни клиник фойдаланиш имконини чеклайди ва доимий равишда ўсма касалликларини даволашда янги усулларни излашга мажбур этади. Бу борада иммуноксинлар, цитокинлар, моноклонал антителалар мавжуд. 1998 йилда Россия онкология илмий маркази ва «Биотех» компанияси ИЛ-2 дан хамиртуруш дори – ронколейкин, фаол апоптоз, апоптозга қарши факторлар ингибирлашган ангиогенез олган.

Неопластик жараёнларни ривожлантириш, унинг турли орган ва тизимларга шикаст етказишини умумий ва ўзига хос хусусиятларини шакллантириш фундаментал тиббиётнинг энг асосий муаммоларидан бири эканлигини кўрсатади. Бу касалликлар кимётерапия самарадорлигини ошириш учун чуқур ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг «Гемобластозларнинг сурункали шаклларни клиник кечишида вирусларга қарши жавоб таъсирида айрим герпес вирусларининг ўрни ва ахамиятини таҳлили» (2012–2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гепатоканцерогенез ва лейкомияда неопластик жараён ривожига хос молекуляр механизмларини аниқлаш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гепатоканцерогенез ва лейкомия даврида азот оксиди (НАДФ, Н диафораз ва нитрат натрий миқдори) ишлаб чиқариш ўзгариши хусусиятларини аниқлаш;

гепатоканцерогенез ва лейкомияда қондаги липидлар оксидланиши ҳамда антиоксидант ҳимоя ферментлари фаоллигининг бузилиши жараёнини аниқлаш;

гепатоканцерогенез ва лейкомия даврида интерлейкин даражасининг ўзгариш хусусиятларини аниқлаш;

гепатоканцерогенез ва лейкомия комплекс фармакотерапиясида ронколейкин қўлланилишининг морфологик самарадорлигини баҳолаш;

гепатоканцерогенез ва лейкомияда биокимёвий ҳамда иммунологик кўрсаткичларнинг бузилишини олдини олиш мақсадида ронколейкин ва цитостатикларни биргаликда қўллаш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 400 та катта эркак каламушлар олинди: 180 та – диэтилнитрозолин (ДЭНА) индуцирланган гепатоканцерогенезли; 180 та – бензол орқали лейкомия чақирилган; 40 – та интакт ҳайвонлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети тажриба ҳайвонларнинг қонидаги зардоб, қон, суяк илиги ҳужайралари, жигар тўқимасини комплекс таҳлил материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларни бажаришда морфологик, цитокимёвий, цитологик, иммунофермент, биокимёвий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор гепатоканцерогенез ва лейкомия моделларида неопластик жараёнлар ривожланишида цитокинлар, ёғларни перекисли оксидланиши жадаллашиши ва азот оксид миқдорининг ошганлиги аниқланган;

неопластик жараёнлар ривожланишида азот оксидининг ўрни баҳоланган: канцерогенез даражасига боғлиқ равишда L-аргинин, азот оксидининг қолдиқ маҳсулотлари ва периоксинитрит миқдорининг ўзгариши метастазланишни кучайишига шарт-шароитлар яратиши исботланган;

канцерогенез босқичига боғлиқ равишда тажриба ҳайвонлари қон зардоб ва жигар гомогенатида антиоксидант ҳимоя ферментининг пасайиши ҳамда яққол гиперлипипероксидация белгиларига боғлиқлигини аниқланган;

турли неопластик жараёнларни жадаллашишига олиб келувчи ИЛ-1, ИЛ-6 ва ФНО- α цитокинлар экспрессияси исботланган;

гепатоканцерогенез ва лейкомияда цитостатикларнинг ўсма хужайраларига қарши таъсирини кучайтиришда даво муолажаларига ронколейкиннинг киритилиши асосланган ва доксорубицин ва гидреанинг умумий токсик таъсирини камайтириш хусусияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

каламүшларда бензол билан лейкомия чақириш модели яратилди, тавсия этилган моделни лейкомияни олдини олишга қаратилган баҳолаш тартиби ўрганиш ва профилактикани олдини олишни такомиллаштиришга ёрдам бериш исботланган;

тадқиқот натижалари асосида гепатоцеллюляр саратонни даволашда ва онкогематологияда ронколейкинни қўллаш зарурлиги исботланган;

гепатоканцерогенез ва лейкомия молекуляр механизмларини информа-цион таъминотининг самарали усулларида фойдаланишнинг услубий тадқиқот даражасини ошириши зарурлиги исботланган;

неопластик жараёнларни молекуляр механизмларини ўрганишда саратон касаллигини даволаш учун йўналтирилган ёндашувни кимё терапевтик дорилар ўсмаларнинг қаршилигини камайтириш самарадорлигини ошириш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарли эканлиги, биокимёвий, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, неопластик жараёнларни молекуляр механизмларини аниқлаш, хавфли ўсма касалликларни даволашнинг замонавий схемаси ишлаб чиқилган. Рекомбинант ИЛ-2 самарадорлигини баҳолаш шифохонада беморларни даволашда фойдаланиш учун тавсия этилган. Ронлейкинни ўсма касалликларни даволашга татбиқ қилиш, даволаш самарадорлигини ошириш, кимётерапияга ўсма хужайраларнинг сезгирлигини камайтиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, гепатоцеллюляр ўсма ва лейкозларни кимётерапия ўтказишда қўлланиладиган кимёвий дори воситаларининг орган ҳамда тизимларга токсик тизимли таъсирини аниқлаш учун қатор биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларни ўрганиш зарурлиги исботланган. Хавфли ўсмаларни кимёвий дори воситалари ёрдамида даволаш самарадорлигини оширишда даво воситалари таркибига ронлейкин киритилганда даволаш

самарадорлигини ошириш билан биргаликда кимёвий воситаларининг асоратларини камайтиради, фармокотерапия самарадорлигини оширади, беморларнинг касалхонада бўлиш вақтини қисқартириб, ремиссия даврини узайтирди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: гепатоканцерогенез ва лейкозларни молекуляр асосларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида амалиётга татбиқ қилиш материаллари ишлаб чиқилган:

«Сурункали лейкозларнинг экспериментал модели» номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 10 февралдаги 8Н-3/44-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали лейкозларнинг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш механизми ва касалликни эрта аниқлаш ва ташхислашни такомиллаштириш имконини беради;

лейкозларни кимёвий дори воситалари билан даволашда уларнинг заҳарлилик хусусиятларни пасайтиришда ронколейкинни қўллаш бўйича олинган илмий натижалар «Сурункали лейкозларда кимёвий дорилар қўлланилганда ронколейкинни қўллашнинг тажрибада асослаш» услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 10 февралдаги 8Н-3/44-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали лейкозларни даволашни корекциялашни кимёвий дори воситалари асосида беморларнинг заҳарланишни олдини олишни чора-тадбирларини такомиллаштириш имконини беради.

Гепатоканцерогенез ва лейкозларни молекуляр асосларини ўрганиш ва ўсма касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларнинг натижалари, онкогемолитик беморлар ва гепатоцеллюляр ўсма касалликларни даволашда ронколейкин ва гидреани қўллаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Гематология ва қон қуйиш илмий маркази лабораториялари ҳамда Тошкент тиббиёт академияси институтлараро илмий-тадқиқот лабораторияси тизимларига, Гематология ва қон қуйиш илмий маркази клиникаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 10 февралдаги 8Н-3/44-сон маълумотномаси). Олинган фундаментал илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши хавфли ўсма касалликларни эрта ташхислаш, касалликларнинг кечиши ва оқибатини яхшилаш, олдини олиш чора-тадбирларни такомиллаштириш, беморлар ҳаёт тарзини узайтириш, аҳолининг турли қатламлари орасида хавфли ўсма касалликларини рекомбинант интерлейкин-2 билан экспериментал даволаш, лейкоз касаллигини даволашда ҳар бир беморнинг шифохонадаги ўрин кунини 15-20%га қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 6 та илмий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро конференцияда ва 2 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси жами 26 та илмий иш, шундан 15 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 13 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 179 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Канцерогенез механизми ва гепатоканцерогенез ва гемобластозлар концепциясининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида иш мавзусига оид адабиётларнинг таҳлили берилган. Жумладан, канцерогенезнинг молекуляр механизмлари, гепатоканцерогенез ва гемобластозларнинг тарқалганлиги, келиб чиқишининг хавф омиллари, таснифи, унинг ташхиси ва бошқа касалликлар ривожланишидаги аҳамияти назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Гепатоканцерогенез ва гемобластозларни қиёсий ўрганиш: патогенез ва рекомбинант интерлейкин-2 билан экспериментал даволаш методологияси**» деб номланган иккинчи бобида қўлланилган материал ва тадқиқот олиб бориш услублари келтирилган. Экспериментал материалнинг умумий таснифи 400 та 100-120 г бўлган эркак каламушларда Гва ҚҚИТИ экспериментал тажриба лабораториясида амалга оширилади: тажриба 2 та серияда, яъни гепатоканцерогенез ва лейкокемия моделларида олиб борилди. 1-гурухда гепатоканцерогенез индукцияси учун Евграфова модели билан гепатоканцероген ДЭНА (ошқозон ичига зонд орқали ҳафтасига 5 марта 10 мг/кг дозада 2 ой мобайнида) киритилган 180 та каламушдан фойдаланилди.

Тажрибанинг охириги муддатида ўткир захарланишдан 46 та (25,5%) каламуш қурбон бўлди. Тажриба муддати давомида бир хил шароитда назорат гуруҳида 20 та каламуш сақланди. Ҳайвонлар эксперимент бошидан 3, 4, 5, 6, 7 ва 8 ойдан кейин қурбон қилинди. Гепатокарцином ривожланиши бўйича жигар морфологик тадқиқотлари натижалари билан муҳокама қилинди. Жигарида ўсмалари бор танланган ҳайвонлар кейинги тажрибалар учун олиб қўйилди. Тажриба бошланишидан 5 ойдан кейин тирик қолган 134 та каламуш 4 гуруҳга бўлинган эди: 1-гурухда 35 та гепатоканцерогенезли каламуш 0,5 мл/100 г физиологик эритма олган; 2-гурухда 3 кун қорин ичига 0,006 мг/кг доксорубицин (Doxorubicin, фирма «Pharmitalia»), (Д.А. Пулатов,

2004) олган 33 та каламуш; 3-гуруҳда 10 кун давомида 3 маҳал (М. Н. Бережная ва бошқ., 1992) ронколейин (фирма «Биотех», Санкт-Петербург) 0,006 мг/кг бўлган 33 та каламуш; 4-гуруҳда юқоридаги миқдорда 33 та каламуш доксорубицин+ронколейкин олган. Даволаш жараёни 3 ой мобайнида босқичма-босқич 10 кун олиб борилди.


2-серияда 180 та каламушда лейкомияни қайта тиклаш учун бизнинг усул 8 ой давомида тери остига 40% ёғли бензол эритмси (0,01 мл/100 г тана оғирлиги) киритишни таклиф этди (Х.Я.Каримов ва бошқ., 2010). Сўнги муддатда 54 та каламуш (30%) ўткир захарланиш натижасида вафот этди. Назорат гуруҳида 20 та каламуш тажриба муддати давомида бир хил шароитда сақланди. Ҳайвонлар тажриба бошланганидан 3-чи, 4-чи, 5-чи, 6-чи, 7-чи, ва 8 ойдан кейин қурбон қилинди. Лейкемия ривожланиши бўйича сон суягида гемограмма ва миелограмма таҳлил қилинди. Лейкемия белгилари бор ҳайвонлар кейинги тажибалар учун суяк кўмиги ва периферик қон кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилинди. 5 ойдан кейин тажриба учун тирик қолган 126 та каламуш 4 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳда 33 та лейкомияга чалинган каламушлар, 0,5 мл/100 г физиологик эритма олган; 2-гуруҳда 31 та каламуш, гидреа олган (гидроксимочевина, гидроксикарбамид, Hydrea) қорин ичига 20 мг/кг (К.М.Абдулкадыров, 2004); 3-гуруҳда 10 кун давомида 3 маҳал (М.Н.Бережная ва бошқ., 1992) ронколейин («Биотех» фирмаси, Санкт-Петербург) 0,006 мг/кг бўлган 31 та каламуш; 4-гуруҳда юқоридаги миқдорда 31 та каламуш гидреа+ронколейкин олган. Даволаш жараёни 3 ой мобайнида босқичма-босқич 10 кун олиб борилди.

Тадқиқот муддатига мувофиқ ҳайвонлар совуқ хонада енгил наркоз билан ўлдирилди, сўнг қорин ичи очилиб, ундан жигари чиқариб олинди ва тортилиб, ўртасидаги йиринг трис-НСІ-буфер, рН 7,2,05М эритма билан ювилди. Жигарнинг 1/3 қисми биокимёвий тажриба учун олинди. Қолган 1/3 қисми цитокимёвий НАДФН-диафоразани (А.И.Гоженко ва бошқ., 2000) аниқлаш учун олинди. Жигар тўқимасининг қолган қисми морфологик тадқиқот олиб бориш мақсадида олинди. Қон зардобидида азот оксиди – L-аргинин ва NO₂ (А.С. Комарин ва бошқ., 2005), АЛТ, АСТ ферментлар фаоллиги ва ишқорли фосфатаза, умумий оқил, альбуминҳамдаинтерлейкин таркиби(ИЛ-1β, ИЛ6 ва ФНО-α) иммунофермент усулида аниқланди. Қон ва гомогенатда антиоксидант ҳимоя ферментлари фаолияти аниқланди: супероксиддисмутаза (СОД) (В.Г.Мхитарян ва бошқ., 1978), каталаза (М.А.Коралюк. ва бошқ., 1988), ПОЛ маҳсулоти – малоновдиальдегид (МДА) (Л.И.Андреева ва бошқ., 1989). Морфологик тадқиқотда периферик қон таркибида гемоглобина, эритроцит, лейкоцит, тромбоцит аниқланди. Каламуш сон суяги қопқоғидан суяк илигидан суртма олинди, ҳамда олинган намуна гематоксилин ва эозин билан бўялди, суяк илиги ҳужайралари ва морфологик тизим ҳисобланди. Олинган клиник ва лаборатор натижаларини статистик қайта ишлаш Pentium IV компьютери ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «ДЭНА-индуцирланган канцерогенезда жигарнинг таркибий ва функционал хусусиятларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида узоқ муддатли ДЭНА гепатокарцин ривожланишига олиб

келиши, тажриба бошланганидан 5-6 ой ўтгандан кейин ўзгаришлар кузатилганлиги аниқланди. Тажрибанинг 3- ва 4- ойидан кейин гепатоцит ядро аппаратининг ўзгариши, 4-ойдан сўнг эса трабекуляр тузилишидаги ўзгаришлар кузатилди.

Тажрибанинг 3-ойидан кейин жигарнинг морфологик текширувида органнинг тузилмавий бирлиги сақланганлиги, гепатоцитларнинг жойлашган ўрни меъёрдалиги, жигар триадаси сақланганлиги, цитоплазмада хира бўялган жойлар аниқланган. Канцерогенез инициация жараёнини тасдиқлашчи, гиперхромия катта ядролар билан кўп ядроли хужайралар гепатоцит характерга эга. Эрта ўтказилган тажриба мақсадга мувофиқ эмас, шунингдек, бу вақтда ДЭНА токсик таъсири намоён бўлган. Аммо тажриба тартибига мувофиқ даволаш ҳафтасига 5 марта 2 ой давомида татбиқ қилинган. Бу даврда тўсиқлараро соҳаларда тартибсиз кенгайишлар, жигар дисконкомплексирланганлиги кузатилган. Формаган доналари миқдори ошган ва азот оксиди тизими фаоллашгани кўринди ҳамда морфофункционал соҳаларида жигар тўқималарининг бир хиллиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Формаган доналари миқдорининг ошиши.

Ушбу натижаларга кўра, тажриба ҳайвонлари қони зардобадаги L-аргинин даражаси интакт ҳайвонлар билан солиштирганда 1,44 марта камайганлиги аниқланди (1-жадвал). Ўсма хужайраларининг бузилишида қабул қилинган реактив азот оксиди NO° , NO_2° , N_2O_3 , NOO° амин модификация кўринишида иштирок этади. Пероксинитритфаол молекуласи NO ташкил топишида муҳим ўрин эгаллайди. Тажриба ҳайвонлари жигари гомогенатида ва қонидаги ПОЛ жараёни тадқиқотда аҳамиятлидир. Ушбу кўрсаткичлар таҳлили қон плазмасида МДА даражаси ва айниқса тажриба ҳайвонларининг жигари (52,4%) гомогенатида намоён бўлди, шунингдек қонда СОД ингибири билан боғлиқ бўлган ПОЛ интенсификация бўлса, у

жигарда бир вақтнинг ўзида фаол СОД фониди каталаза даражасини пасайтиради. Бизнинг фикримизча, NO юқори концентрацияда фаол кислород билан ўзаро таъсирланганда пероксинитрит маҳсулотларида кўпроқ токсиклар пайдо бўлишига олиб келади, бу мембранларнинг деструктив жараёнини кучайтиради. Жигар гомогенатида СОД фаол бўлишига қарамай, у эркин радикалларга тўлиқ зарар етказмайди, шунингдек, интакт ҳайвонларга қараганда СОД ва МДА муносабатлари кам бўлади. Промоция босқичида (фикримизча, 4 ва 5 ойдан кейин) биокимёвий динамик параметрлари аввалги ўрганиш давридан жиддий фарқ қилади. Шундай қилиб, 4 ойдан кейин L-аргининнинг даражаси янада пасайди, цитокимёвий усул НАДФН-диафорозада аниқланганда эса формаган доналарининг интенсив равишда тўплангани кўзга ташланди ва жигар тўқималарида дистрофик ўзгариш кузатилди. Бу ўзгариш ушбу даврда жигарда морфологик қайта қуриш бошланганини тасдиқлайди.

1-жадвал

Гепатоканцерогенезда тажриба ҳайвонлари қони зардобиди L-аргинин, NO₂ ва OONO⁻ таркиби, M±m

Тадқиқот муддати, ой	L-аргинин даражаси, моль/л	NO ₂ таркиби, мкмоль/л	OONO ⁻ таркиби, мкмоль/мл
3 ойдан кейин	0,090±0,001***	11,64±0,076***	0,12±0,01
	0,130±0,001	9,06±0,033	0,15±0,02
4 ойдан кейин	0,071±0,005***	13,97±0,024***	0,37±0,04**
	0,129±0,001	9,15±0,011	0,20±0,02
5 ойдан кейин	0,068±0,001***	12,90±0,030***	0,56±0,01***
	0,131±0,001	9,13±0,009	0,12±0,01
6 ойдан кейин	0,133±0,002**	9,03±0,025***	0,74±0,03***
	0,125±0,002	9,18±0,015	0,16±0,01
7 ойдан кейин	0,108±0,001***	12,26±0,025***	0,17±0,01**
	0,127±0,002	9,24±0,015	0,12±0,01
8 ойдан кейин	0,112±0,001***	12,91 ±0,03 1***	0,05±0,01***
	0,126±0,001	9,25±0,011	0,14±0,01

Изоҳ: 1. Сураат – тажриба ҳайвонлари маълумотлари, маҳраж – интакт гуруҳ;
2. * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001).

Бундан келиб чиқадики, қон томирлардаги оксил массаси гепатоцит мойиллигига жавоб беради, ҳужайра полиморфизмларида акс этади, фиброз тўқималари қаватларида юпқа кўринишда мавжуд бўлади ва васкуляризация жараёнини фаоллаштиради. Препаратдаги ўсма ҳужайралар кўздан кечирилганда девор ичида кўп миқдорда кистозлар, куб шаклидаги

эпителий, аденокарцином намоён бўлади. Шу билан бирга қон зардобиди NO_2 янада ўсади, аммо ПОЛ интенсификацияси ҳам янада катталашади, агар қон плазмасида МДА даражаси 105%, жигар гомогенати 77,2%га ўсади. Бундай ПОЛ интенсификацияси айнан қондаги антиоксидант ҳимоя ферментларининг фаоллик жараёни фонда пасайган жараёнига мансуб бўлиб, буларнинг барчаси фаол мембраналарнинг деструктив жараёнларини тасдиқлайди.

Бизнинг тажрибаларимиздан кўриниб турибдики, реакция усул NO метаболитига билвосита таъсир этади. Шунингдек, улар канцероген бирикмаларда ўзида намоён этган нитрозаминлар пайдо бўлишида кучаяди. ДНК асосининг ўзгариши, уни тизимларга бўлиш ва ингибирлаш жараёнида бузилган ДНК гепатоканцерогенезда промоцияланганда кучайиши мумкин, яна кўплаб неопластик бузилган хужайраларнинг фаоллашишига имкон туғдиради. Бошқа томондан қон-томир энтолийга NO таъсир этиши унинг таркибининг ўзгаришига олиб келади бузилган ўсма хужайраларининг бирикишини таъминлайди. Бу кузатув морфологик йиғилган формаган доналари атрофида бузилган хужайралар ва гепатоцитларнинг васкуляризациясини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, NO канцерогенезда худди агентдек, ксенобиотик метаболизм модификатор каби антиканцероген генетик баланс бузилишида иштирок этади. Табиий ва синтетик агентлар бу балансни тутиб туради, шунингдек, у онкологик касаллиги билан оғриган аҳоли гуруҳида саратон хавфини камайтиришда фойдали дори воситаси ҳисобланади. НАДФН-диафоразани аниқлашда цитокимёвий усул гепатоцитда NO синтезининг фаоллигини тасдиқловчи кўрсаткичлардан биридир. Бу даврда кўп миқдорда катта-кичик кулранг-кўнғирформаган гранула гуллари борлиги, дистрофик ўзгаришлар бор жигар доирасида ва атрофида вакуоласимон хужайралар ўчоғи мавжудлиги аниқланган. Бир жинсли бўлмаган цитоплазма, полиморфиз белгили ядро, ундаги пертрофияга учраган нуклеосома кузатилди.

Шунингдек, ўсиб боровчи ПОЛ фониди қон плазмасида гиперлипипероксидация оғирлиги босқичма-босқич пасайиб борди. Бу даврда ПОЛга бундай турлича таъсирлар гепатоцитда пероксинитритни кескин ўсишига таъсир этади. Бошқа томондан бундай гиперфаоллик унинг қондаги пасайиш фониди компенсатор фаол СОДнинг кўпайишида намоён бўлади.

Энг қизиқарли натижалар неопластик жараёнининг тарқалишида қайд этилади (6 ойдан кейин). Бу давр мобайнида интакт ҳайвонларда L-аргинин даражасининг ошиши, NO_2 камайиши, баъзан бир неча ингибирланган NO тизими шаклланади. Гистокимёвий тадқиқотларда турли ўлчамдаги диформаган гранулалари тартибсиз бўялганини, жигар паренхимасининг ичида НОС зарралари аниқлиги камроқ, аммо вақти-вақти билан пайдо бўлади. Бу хужайра фермент қатламларини шакллантириш ядролари кенг соҳаларда бир неча гистологик хужайра гуруҳлари мавжудлиги билан тасдиқланади. Жигарнинг оксил синтезловчи вазифаси кучли ингибирланган фонда аввалги муддатлар билан солиштирилганда АЛТ, АСТ фермент-

ларининг фаоллиги пасайганлиги аниқланди. Юқори фаол СОДни сақлаш фониди гиперлипидпер-оксидация ва жигар гомогенатида каталазалар даражаси камайган ҳамда қонда СОД эзлиши кузатилган, бироқ катталашган шиш ва метастазланишнинг бошланиши билан шишда NO ўрнини қайтадан ҳосил қилиш лозим. Ташқи томондан бу қон зардобиди L-аргинин таркибининг фонди камайишига олиб келади. Цитокимёвий босқичда (7-8 ойдан кейин) хужайра периферийларида тўпланган тўқ кул ранг ва тўқ кўнғир гулларини тўккан формаган гранулалари таркиби кўпайиб кетди. 7- ва 8-ойда жигар саратонининг гиперваскуляризация ва гепатоцеллюляр карциномаси ривожланганлиги аниқланган. NO таъсири дезагрегацион кўринишга эга, эзилган хужайралараро боғланган хужайраларни NO синтези кучайтиради. NO синтезининг кучайиши хужайраларнинг инвазия жараёнида тўқималарда экзоген манбалар ҳисобида кўринади. Бу босқичда барча ферментлар тизимида деградация кузатилади, СОД фаоллиги ва каталазининг тезда ингибирланиши, трансляция ва транскрипция жараёнининг бузилиши, генларинг ўзгариши, синтетик жараёнларнинг пасайишига олиб келади, қон зардобиди жигар ферментлари фаоллиги пасаяди.

Шундай қилиб, гепатоканцерогенез ривожланишида азот оксиди муҳим ўрин эгаллашини тадқиқотлар кўрсатиб турибди. Патологик жараён даражасида метаболит аҳамиятга эга. Цитокин ИЛ-1 нинг ушбу даражаси ўсма жараёни ривожини ўлчашда ИЛ-6 и ФНО-α ошиб боради (2-жадвал).

2-жадвал

Гепатоканцерогенезда калмуш қони зардобиди цитокинлар миқдорини ўзгариши (пг/мл), $M \pm m$

Гуруҳ, муддат, ой	ИЛ-1β	ИЛ-6	ФНО-α
Интакт	1,41±0,05	1,54±0,05	2,91±0,06
Тажрибадан 3 ойдан кейин	5,84±0,18***	3,44±0,24***	4,23±0,21***
4 ойдан кейин	6,58±0,31***	4,27±0,19***	5,44±0,31***
5 ойдан кейин	6,97±0,48***	4,98±0,23***	5,22±0,42***
6 ойдан кейин	7,42±0,52***	5,66±0,34***	6,83±0,33***
7 ойдан кейин	6,33±0,71***	7,34±0,37***	8,47±0,28***
8 ойдан кейин	6,24±0,58***	8,11±0,42***	10,01±0,32***

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (***) - $P < 0,001$).

Диссертациянинг «**Бензол билан захарланишда сурункали лейкомиянинг ривожланиш хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида лейкомияда биокимёвий механизмлар таърифланади. Тадқиқотларда суяк

илиги хужайралари бузилишини солиштириш ва пролиферация жараёнида бензол таъсири кўрсатилади. Тажриба бошланганидан 4 ойдан кейин каламуш суяк илигида гипоплазия 11,1%, лейкомоид реакция 50% га ўсди. Тажриба муддатининг охирида (8 ойдан сўнг) ҳайвонларнинг 59,1% лимфопротератив жараёни бошланди, миелопротератив жараёни 27,3%га камайди. Суяк илиги хужайрасида лимфопротератив жараёни ривожланди. Шунингдек, каламушларда миелопротератив жараён билан тромбоцитоз намоён бўлган мегакариоцитар пролиферация қатори белгиланди. Суяк илигида гипоҳужайралар билан гранулоцитар хужайра миқдорини камайишини аниқлаш бу лимфоцитозга нисбатан мос ҳисобланади. Маълумотлардан кўриниб турибдики, бензолнинг узок муддатда каммиқдордаги таъсири каламушлар суяк илиги хужайраларида заҳарланишга олиб келди. Лейкемияда азот оксиди ўрнини аниқлашда тажриба ҳайвонлари қонидаги L-аргинин ва пероксинитрит даражаси билан алоқадорлигини ўргандик. Ўтказилган тадқиқотларда қон зардобиди NO₂ даражасининг йирик ўзгариши кўзга ташланиб, унинг миқдори 3-6 ойда кўтарилди, 6-7 кундан сўнг меъёрлашди, бластомогенез босқичида эса пасаяди (3-жадвал).

3-жадвал

Лейкемияда тажриба ҳайвонлари қон зардобиди L-аргинин, NO₂ ва OONO⁻ таркиби, M±m

Тажриба муддати, ой	L-аргинин даражаси, моль/л	NO таркиби, мкмоль/л	OONO ⁻ таркиби мкмоль/мл
3 ойдан кейин	0,090±0,001***	13,75±0,08***	0,11±0,01
	0,130±0,001	9,06±0,03	0,15±0,02
4 ойдан кейин	0,081±0,005***	14,39±0,04***	0,43±0,03***
	0,129±0,001	9,15±0,07	0,20±0,02
5 ойдан кейин	0,065±0,004***	15,29±0,03***	0,65±0,03***
	0,131±0,001	9,13±0,09	0,12±0,01
6 ойдан кейин	0,103±0,003***	10,31±0,05***	0,47±0,03***
	0,125±0,002	9,18±0,05	0,16±0,01
7 ойдан кейин	0,098±0,001***	9,22±0,07	0,21±0,01***
	0,127±0,002	9,24±0,05	0,12±0,01
8 ойдан кейин	0,081±0,002***	8,12±0,03***	0,06±0,01***
	0,126±0,001	9,25±0,08	0,14±0,01

Изоҳ: 1. Сурат – тажриба ҳайвонлари маълумотлари, махражда – интакт гу-руҳ; 2. * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*** - P<0,001).

Шу билан бирга, заҳарли таъсири билан фақатгина азот оксиди радикали эмас, балки уни фаол кислород шакли билан боғлиқлигини таъкидлаш лозим.

Тадқиқотларда айтилишича, канцерогенез босқичида NO даражаси биров пасаяди, индукция босқичида кескин ўсади ва метастатик ўсимта даврида ўсиб боради. Тажриба бошланганидан 7-8 ой кейин ПОЛ жараёнида NO ишлаб чиқариш кўпаяди, ўсма ҳужайраларининг интенсив кўпайишини таъминлайди ва уни бошқа орган ва тизимлар билан жойлаштирилади.

Тажриба ҳайвонлари қон зардобидаги аргинин даражаси бензолли лейкомия ривожланиш динамикасида патологик жараён босқичига боғлиқ равишда тўлқинсимон ўзгаради. Лейкозогенез ривожланиш босқичида фаол СОД эритроцитлари ўсиши камаяди, эрта босқичларда ПОЛ интенсификацияси аниқланади ва кўпроқ охириги босқичда биокимёвий жараёнларда сезиларли даражада эзилади.

Каламуш қон зардобидаги ИЛ-1, ИЛ-6 ва ФНО- α цитокинларни ўрганиш билан бензолли интоксикация ИЛ-1 ва ИЛ-6 (4-жадвал) даражаларини ошиши аниқланди.

4-жадвал

Лейкемияда каламушлар қон зардобида цитокинлар миқдори (пг/л), $M \pm m$

Гуруҳ, муддат, ой	ИЛ-1 β	ИЛ-6	ФНО- α
Интакт	1,41 \pm 0,05	1,54 \pm 0,05	2,91 \pm 0,06
Тажрибадан 3 ой кейин	6,12 \pm 0,18***	4,42 \pm 0,24***	5,33 \pm 0,21***
4 ой кейин	6,81 \pm 0,31***	5,15 \pm 0,19***	6,22 \pm 0,31***
5 ой кейин	7,95 \pm 0,48***	5,96 \pm 0,23***	4,12 \pm 0,42*
6 ой кейин	4,74 \pm 0,22***	5,28 \pm 0,31***	4,68 \pm 0,28***
7 ой кейин	4,63 \pm 0,27***	7,73 \pm 0,33***	6,84 \pm 0,32***
8 ой кейин	5,62 \pm 0,31***	6,81 \pm 0,34***	7,10 \pm 0,43***

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - $P < 0,05$, *** - $P < 0,001$).

Каламуш қон зардобидаги ФНО- β таркиби билан сурункали бензолли интоксикация 3-4 ойдан сўнг 1,83 ва 2,14 марта ошди. 5 ой охирида ФНО- α даражаси аста-секин пасайишни бошлади, аммо ҳаммаси ҳали 1,42 ($P < 0,01$) марта меъерий қийматга ошди. Бу йўналишдаги ўзгаришлар келажакда муҳофаза қилинади. Ундан кейинги даврларда биз унинг даражаси тажриба бошланганидан 7-8 ой кейин 1,5 ($P < 0,05$) ва 2,82 ($P < 0,001$) марта пасайган.

Шундай қилиб, олинган натижаларни жамлаштириш натижасида, таъкидлашимиз жоизки, узоқ муддатли паст дозадаги бензол каламуш суяк илиги ҳужайраларида ўзгаришларга олиб келади. Агар эрта муддатларда лейкомоид реакцияси рўйхатдан ўтган бўлса, 5-ойнинг охирига келиб, 1/3 каламушда лейкомия ривожланади, 8 ойдан кейин эса 86,4% ҳайвонларда ўсма касаллиги ривожланганлиги исботланди.

Диссертациянинг «Гепатоканцерогенезда жигарнинг функционал таркибий тузилишига турли фармакологик давонинг таъсири» деб номланган бешинчи бобида гепатоканцерогенезни даволаш натижалари тақдим этилган. Доксорубицин – ўсмага қарши антракциклин антибиотик гуруҳи ўсмаларни даволаш учун ишлатиладиган асосий кимёвий дори воситаси ҳисобланади. Доксорубициннинг таъсир механизми ўзаро ДНК билан боғлиқ бўлиб, нуклеин кислота синтезига қаршилик қилади. У митотик фаолиятини пасайтиради ва хромосомаларни абберацияга чақиради, иммунодепрессив таъсир кўрсатади. Бизнинг фармакотерапия даво усулимизда ДЭНА-индуцирли гепатоканцерогенез доксорубициннинг патоморфологик белгиларни сақлашга ёрдам беради. Алоҳида гуруҳда формаган гранулаларини ўз ичига олган атипик гепатоцитларнинг мембрана ҳужайралари атрофида тутунсимон кўринишда йиғилганлиги аниқланди. Чунки морфометрик цитоплазмада формаган зарралари (26,5% гача) сақланиб, сезиларли камайиши билан белгиланади.

Кимётерапияда доксорубицин ИЛ-2 ишлаб чиқарилиши пасайишига ёрдам бериши эътиборга олинган, шунингдек, комплекс даволашга ронколейкин киритилган. Жигар ўсма ДЭНА-индуцирни доксорубицин ва ронколейкинни билан даволаш кўпроқ натижа берган. Бузилган канцероген ҳужайралар атрофида унча катта бўлмаган лимфоцитлардан тузилган моноклеар ҳужайралар, макрофаг ва ёш тўқима ҳужайралари аниқланди. Йиғилган формаган гранулаларида ҳужайралараро кулранг-бинафша ранг чизик кўришдаги модда аниқланди.

Доксорубицин каламуш зардобидаги нитрат даражасига сезиларли таъсир кўрсатмади, ўша пайтда уни ронколейкин билан бирга қабул қилганда узоқ муддатли даволашда нитрат таркиби ошди. Тажриба бошланганидан 6 ой ўтиб, L-аргинин таркиби ошган бўлсада, орадан анча муддат ўтганда сўнг уни пасайгани аниқланди.

Даволаш схемасига ронколейкинни киритиш азот оксиди синтезидан фойдаланишнинг кучайишига олиб келади. Бундан ташқари, L-аргинин таркиби фақат кимётерапия олган ҳайвонларда нисбатан анча паст бўлиб, бу тадқиқотларда ҳар томонлама намоён бўлди ва морфологик тадқиқот натижалари ўсма жараёнини секин ўстиришини тасдиқлади. Тажриба ҳайвонлари қонидаги МДА таркиби тажриба бошланганидан 6 ой кейин меъёрий аҳамияти 19,3% га ($P < 0,05$) (5-жадвал) ошиши қайд этилди. 7 ойдан сўнг ПОЛ даражаси интакт ҳайвонларга яқинлашди, тажриба охирида эса ҳатто 42% ($P < 0,05$) дан пасайди.

Каламуш зардобида МДА даражаси аниқ ошди. Янада кўпроқ ошгани ронколейкин билан комплекс даволашда кузатилди. Бу азот оксиди даражасининг ошиши билан L-аргинин таркиби пасайишига олиб келди.

Ронколейкиннинг ижобий таъсирини ташхислашда ўсмаларнинг ўсишига таъсир этади ва Т- ҳамда В-лимфоцит, моноцит, макрофаг ва бошқа ҳужайраларни фаоллаштиради. Албатта, ўсма нисбий оғирлигининг камайишига қарши кимётерапия доксорубицин иммун тизимида ҳам катта мувозанатга олиб келди.

Лимфоцит ва Т-лимфоцитнинг умумий таркиби даволашнинг биринчи босқичида ошди, охирида эса пасайди. Тажриба давомида олинган ҳайвонларда CD4+ даражаси жиддий фарқ қилмади, аммо CD8+ сезиларли равишда пасайди. Янада аниқ ўзгаришларига учрамаган ҳайвонларда CD16+ ва CD19+ таркиби янада пасайди.

